

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASI
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

572 Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/5-сон қарори (рўйхат рақами 2443, 2013 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 169-модда) билан тасдиқланган Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 май,
239/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2017 йил 31 майдаги 239/7-сон қарорига
ИЛОВА

Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) эксперт кенгаши фаолиятини тартибга солади.»

2. 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«экспертиза — ҳужжатларнинг моҳияти ва амалга оширилган аттестация тадбирларининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш;

илмий экспертиза — диссертация ва нашр қилинган ишлар илмий натижаларининг янгилиги, назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш.»

3. 4-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг ва илмий унвонлар берувчи кенгашларнинг илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш ишларини назорат қилиш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;».

4. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Эксперт кенгаши ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг энг мақбул (оптимал) тармоғини шакллантиришда иштирок этади;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашларни тузиш ва қайта тасдиқлашга оид хужжатларни кўриб чиқади ҳамда уларни тузиш (қайта тасдиқлаш)нинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосалар беради;

илмий даражалар ва илмий унвонлар берувчи кенгашларнинг иш тажрибасини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш бўйича мурожаатномаларни кўриб чиқади ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

нострификация қилиш бўйича мурожаатномаларни кўриб чиқади ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

илмий даражалар ва илмий унвонлардан маҳрум этиш ва уларни тиклаш масалаларини кўриб чиқади ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

илмий даражалар ва илмий унвонлар берувчи кенгашларнинг қарорлари юзасидан берилган апелляцияларни кўриб чиқади ва ОАК Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун тегишли тавсиялар тайёрлайди;

ҳимоя қилинган диссертацияларнинг илмий ва амалий натижаларини таҳлил қилади ва улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва Фанлар академиясига тегишли материаллар тайёрлайди;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатини такомиллаштиришга, янги ихтисосликлар паспортлари ва малакавий имтиҳонлар дастурларини тайёрлашга оид таклифларни кўриб чиқишда қатнашади;

фуқаролар ва ташкилотларнинг мурожаатларини, жумладан апелляцияларни кўриб чиқишда иштирок этади;

ОАК Раёсатига илмий даражалар ва илмий унвонлар берувчи у ёки бу кенгаш фаолиятини давом эттириши мақсадга мувофиқлигига ёхуд кенгаш раҳбариятини ўзгартиришга доир тавсиялар тайёрлайди;

ОАК раҳбарияти топшириғига асосан таянч докторантура, докторантура ва мустақил тадқиқотчилик институтлари томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатининг мониторингини ўтказишда иштирок этади;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга алоқадор бошқа масалаларни кўриб чиқади.»

5. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Эксперт кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга қўшимча хулоса олиш учун диссертацияларни юбориш;

етарлича асосланмаган хулосани қайта ишлаш учун илмий даражалар берувчи илмий кенгашга қайтариш;

илмий даража талабгорларини, диссертация ҳимояси ёки унинг жамоавий тақризи ўтказилган илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раҳбари-

ни, расмий оппонентларни, илмий раҳбарларни (маслаҳатчиларни), шунингдек етакчи ташкилот вакилларини ўз мажлисларига таклиф қилиш;

ўз мажлисларида илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар ва илмий унвонлар берувчи кенгаш раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

ўз вакилларини илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар мажлисларига юбориш;

зарур ҳолларда диссертация бўйича расмий оппонентларни тавсия этиш;

илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини текширишда ОАК номидан иштирок этиш.»

6. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Эксперт кенгаши таркибига камида 5 йиллик илмий ва педагогик иш тажрибасига эга бўлган ҳамда илмий даража олган мутахассис тайёрлаган фан докторлари киритилади. Фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга мутахассиснинг эксперт кенгашининг илмий котиби этиб тайинланишига истисно тариқасида йўл қўйилади.

Эксперт кенгаши камида 9 нафар ва кўпи билан 21 нафар мутахассис-олимлардан иборат таркибда шакллантирилади.»

7. 10-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зиммасига юклатилган вазибаларни сифатли бажараётган эксперт кенгаши раиси, раис ўринбосари (ўринбосарлари) ва илмий котиби ўз вазифасини кейинги муддатда ОАК Раёсатининг қарори асосида давом эттириши мумкин.»

8. 11-банддаги «фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш» деган сўзлар «илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 12-банддаги «тармоқлари» деган сўз «соҳалари» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 17-банддан «аттестация ишини, шу жумладан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Эксперт кенгаши томонидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини ва профессор илмий унвонини бериш бўйича мурожаатлар 2 ой ичида, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини ҳамда доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш бўйича мурожаатлар 1,5 ой ичида кўриб чиқилади.»

12. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Июль-август ойлари эксперт кенгаши томонидан аттестация ишларини кўриб чиқиш муддатларини ҳисоблашда инобатга олинмайди.»

13. 32-банддаги «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки илмий унвон» деган сўзлар «Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар ёки илмий унвонлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 33-банддан «илмий» деган сўз чиқариб ташлансин.

15. 34-банддаги «маслаҳатчиси» деган сўз «рахбари (маслаҳатчиси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 35-банддаги «Эксперт кенгаши мажлисининг хулосаси унда иштирок этган» деган сўзлар «Эксперт кенгашининг хулосаси унинг мажлисда иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Фан ва технологиялар агентлиги билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. МИРЗАЕВ

2017 йил 29 май

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

Р. КАСИМОВ

2017 йил 29 май

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2017 йил 29 май

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2017 йил 29 май

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 29 май

Маданият вазири

М. МУРАТОВ

2017 йил 30 май

*Фанлар академияси
президенти в. в. б*

Б. ИБРАГИМОВ

2017 йил 30 май

572-573-моддалар

— 376 —

25 (785)-сон

*Жисмоний тарбия ва спорт
давлат қўмитаси раиси*

Р. КУРБАНОВ

2017 йил 30 май

*Фан ва технологиялар
агентлиги бош директори*

М. БОЛТАБАЕВ

2017 йил 30 май